

Соғлик – бебаҳо бойлиқ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йиллигини муносаб кутиб олиш тадбирлари режасига биноан, 2016 йил 8 июль куни Фуқаро мухофазаси институтида “Вазирлик ҳарбий хизматчилари ва хизматчиларининг тиббий таъминотини яхшилаш борасида олиб борилаётган тадбирлар” тўғрисида давра сухбати ўтказилди.

Ушбу тадбирда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тиббиёт хизмати, Соғликни сақлаш ва Мудофаа вазирликлари, Фуқаро мухофазаси институтининг масъул ходимлари иштирок этишди.

Давра сухбатини ўтказишдан кўзланган мақсад, вазирлик ҳарбий хизматчи ва хизматчиларининг тиббий таъминотини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар, эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида фикр алмашишдан иборат деб белгиланди.

Тадбирда “Вазирликда тиббиёт хизматининг ташкил топиши ва эришилган ютуқлари” ва “Ҳарбий хизматчилар ва хизматчиларининг тиббий таъминотини яхшилаш борасида олиб борилиши лозим бўлган тадбирлар” тўғрисида маъruzалар тингланди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан қуйидаги таклифлар билдирилди:

- шахсий таркибни даволаш ва соғломлаштириш ҳамда уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт хизматини юқори савияда яхшилаш ва моддий техник базасини такомиллаштириш;
- вазирлик тизимида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчи, хизматчиларининг ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий, руҳий ҳолатларини ўрганиш;
- қутқарувчиларни тайёрлаш сифатини такомиллаштириш мақсадида масъул мутахассисларининг малакасини ошириш ва фавқулодда вазиятлар

шароитида тиббий ёрдам кўрсатишга мос дастурлар, қўлланмалар ишлаб чиқиши ва уларни тарғиб қилиш.

Ушбу давра сухбати қизғин баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтказилди. Тадбир орқали иштирокчиларнинг назарий билимларини оширишга ва уларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга эришилди.